

# PEDAGOGIK MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnal

5-son (2020-yil, oktabr)

Jurnal 2001-yildan chiqa boshlagan

Buxoro – 2020

## MUNDARIJA

<b>DOLZARB MAVZU</b> .....	7
Сойиб РАУПОВ. Мустақиллик ва маҳалла институти .....	7
<b>PEDAGOGIKA VA PSIXOLOGIYA</b> .....	14
Бахтиёр АДIZOV. Талабаларнинг маънавий камолотида ўзини-ўзи тарбиялашнинг ўрни .....	14
Shahlo TURDIYEVA. Pedagogik ta'lim innovatsion klasteri: ehtiyoj, zarurat, natija .....	17
Муножатхон АСРАНБОЕВА. Нотўлиқ оилаларда болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари.....	20
Komila SAYITOVA. Problems of distance education and the ways of their solution.....	27
Темир ОЛИМОВ. Бўлажак олий маълумотли мутахассисларда фуқаролик маданиятини шакллантиришда замонавий ўқитувчининг қиёфаси .....	33
Фарход ҲОШИМОВ, Роҳатой ЭГАМБЕРДИЕВА. Таълим сифатини ошириш ўзбекистон ривожланишининг асосий омилларидан бири сифатида (Япония мисолида) .....	36
Замира КУРБАНИЯЗОВА. Бўлажак педагогларнинг ижтимоий компетентлигини ривожлантириш .....	43
Bahrom URINOV. Ta'limga Yevropa integratsiyasining asosiy maqsadi va tamoyillari.....	48
Муҳаббат МИРСОЛИЕВА. Олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг метакомпетенцияларини ривожлантириш модели .....	51
Баҳринисо ТўРАҚУЛОВА. Инновацион таълим муҳитида техник кафедралар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг интегратив ҳамкорлигини такомиллаштириш технологияси .....	55
Ishom MADATOV. Elektron ta'lim texnologiyalari (blended learning).....	58
Насибaxon ОЛТМИШЕВА. Глобаллашув жараёнлари ва таълим-тарбия масъулияти .....	62
Феруза РАМАЗОНОВА. Бўлажак ўқитувчиларда касбий эътиқодни шакллантириш педагогик муаммо сифатида .....	66
Зебинисо ХАНКЕЛЬДЫЕВА, Дилором УБАЙДУЛЛАЕВА. Модель организации самостоятельной работы студентов с использованием дистанционных технологий.....	69
Олимжон АҲМАДОВ. XIX аср охири - XX аср биринчи чорагида Бухорода таълим-тарбия тизимининг манбавий асослари ва адабиётлар таснифи.....	74
Akram SOKHIBOV, D. A. RUSTAMOV. Historiographical aspects of the study of national pedagogy is the great contribution of the great eastern thinkers .....	78
Лобар ШАРИПОВА, Башорат ШАРИПОВА. Ўқитувчиларда маънавий-моддий ҳаёт уйғунлигини ривожлантиришда педагогик технологияларнинг аҳамияти.....	81
Нигора САЙФУЛЛАЕВА. Системная целостность образования, науки и производства - основа развития инновационного экономического мышления у студентов .....	85
Гуллола РАҲМОНОВА. Талабаларда маънавий-ахлоқий компетенцияларни ривожлантириш усуллари ..	90
Manzura OSHILOVA, Nilufar RAXIMOVA. "Oilada yoshlar ma'naviyatini shakllantirishda milliy qadryatlarning o'rni" modulini o'qitish samaradorligini oshirishning ustuvor yo'nalishlari .....	93
Хулқархон ДЖУМАЕВА. Талабалар маънавиятига салбий таъсир кўрсатувчи ички таҳдидлар ва уларнинг оқибатлари.....	96
Зебо МАМАРАИМОВА. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятлари .....	100
Gulchehra ALIMOVA. Kichik maktab yoshida o'quvchi shaxsining psixologik-pedagogik rivojlanish xususiyatlari.....	103
Наира ОДИЛОВА. "Хотира" мавзусини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланишнинг психологик хусусиятлари .....	108
Навбахор УМАРОВА. Тасаввур-белгилар тизими – шахс иктисодий мавқеини баҳолашдаги мезон сифатида .....	112
Умида ЛАТИПОВА. Талаба шахсида ижодий фаоллик намоен бўлишининг ички ва ташқи мотивлари. ....	116
<b>МАКТАВГАСНА VA BOSHLANG'ICH TA'LIM</b> .....	119
Юлдуз ПЎЛОТОВА. Бошланғич синф она тили ва ўқиш дарсларини интеграциялашнинг методик имкониятлари.....	119
O'g'iljon OLLOQOVA. Lingvistik kompetensiya va uning turlari .....	126
Rustambek QO'LDOSHEV. The content of pedagogical assistance in the period of adaptation of left-handed first-graders to school, adaptation to school and its features among students of the first year of study.....	132
Гулшан МАМАТОВА. Бошланғич синф ўқиш дарсларида муаммоли таълим усулларида фойдаланиш .....	136
<b>FILOLOGIYA VA TILLARNI O'RGANISH</b> .....	139
Nigora MAHMUDOVA. So'z modelidagi sintagmaning lingvistik tabiati .....	139
Атоулло АХМЕДОВ. Ўзбек ва татар тиллари сабоқларидан.....	143

## МУСТАҚИЛЛИК ВА МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ

Мақолада мустақиллик йилларида маҳалланинг фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташиқил этиши ва такомиллаштиришига қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар атрофлича ўрганилган. Маҳаллалар фаолиятини ташиқил этишида “Маҳалла” хайрия жамғармасининг ўрни ва роли кўрсатиб берилган. Маҳаллаларни бошқариш тизимини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари)ни сайлаш тартибидаги янгиликлар кўрсатиб берилган.

**Таянч сўзлар:** мустақиллик, маҳалла, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш, маҳалла раис (оқсоқоли), “Маҳалла” хайрия жамғармаси, сайловлар, сайлов комиссияси, сайлов ҳуқуқи.

В данной статье рассматриваются особенности становления и развития махалли как орган самоуправления граждан в годы независимости. Изучены нормативные-правовые документы по организации и совершенствованию деятельности органов самоуправления граждан. Показано место и роль благотворительного фонда “Махалля” в организации деятельности махалли. Проанализирована проделанная работа по совершенствованию системы управления махалли, а также, новости по выборам председателя (оксакала) схода граждан.

**Ключевые слова:** независимость, махалля, местное самоуправление, председатель схода граждан (оксакал), благотворительный фонд “Махалля”, выборы, избирательная комиссия, избирательное право.

In the following article the peculiarities of the formation and development of makhalla as a body of self-government during the years of independence. The normative-legal documents on the organization and perfection of the activities of citizens' self-governing is studied. The place and the role of the Makhalla charity fund in the organization of is presented. The tasks done in the name of the perfection of the system of makhalla, the new regulations in the election of chairmans (elders) of makhalla is indicated.

**Key words:** makhalla, local bodies of self-government, chairman of makhalla(elder), “Makhalla” charity foundation, elections elections committee, right of electing.

“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишида биз,

илгаригидек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари маҳаллалар, шунингдек, нодавлат нотижорат ташиқилотлари, эркин ва холис олмавий ахборот воситалари фаол ўрин

эгаллайди,  
деб ишонамиз” [1, б].

Ш.Мирзиёев

Ҳуқуқий давлат куриш йўлида мамлакатимизда амалга оширилаётган “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг шаклланиш манбалари қадимдан мавжуд бўлган маҳалла институтига бориб тақалади. Мамлакатимизда янгилаш ва модернизация қилиш бўйича ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишида бу институтнинг ўрни ва аҳамияти янада ортиб бормоқда. Маҳалла ўзини-ўзи бошқаришнинг бир кўриниши сифатида, авваламбор, ҳокимиятнинг марказлашувини рад этиб, ҳокимият субъекти ва объекти ўртасидаги муносабатлар услубини тубдан ўзгартиради ва бу орқали маҳалла аҳли ўртасида ноёб бирлаштирувчи роль ўйнайди.

Маҳалланинг асосий тамойиллари этиб қуйидагилар тан олинган: демократик ёндашув, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишдаги мустақиллик ва жамоанинг бирдамлиги, ўзаро ёрдам. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда ўзини-ўзи бошқариш тамойили ўзининг миллийлиги билан ажралиб туриб, маҳалла институти тизими орқали аҳоли турмушига чуқур сингиб кетган. Маҳалла тинчлик ва хотиржамлик, ўзаро ҳурмат ва эътибор, дўстлик ва жипслик, халқнинг фаровонлиги ҳукмронлик қилган гўшани ўзида намоён этади.

Ўзини-ўзи бошқариш органлари бир неча асрлар илгари давлатнинг куйи маҳаллий бошқарув функцияларини бажарувчи сиёсий ташкилот сифатида шаклланган бўлса, XX асрга келиб фуқаролик жамияти институтига айланди. Бу жараён турли мамлакатларда турлича кечди.

Ўзбекистонда бу жараён кучли давлатдан кучли жамиятга ўтиш даврида ўзини-ўзи бошқариш органларини замонавийлаштириш ва эркинлаштиришга қаратилган ислохотлар жараёнлари натижасида миллий анъаналар ва халқаро тажрибаларни уйғунлаштиришга асосланган фуқаролик жамияти қуришга доир ислохотларни амалга ошириш жараёнида амалга ошириб борилди.

Ўзини-ўзи бошқариш органларининг ривожланган мамлакатларга хос ҳуқуқий мақоми ва миллий жиҳатлари мустақиллик йилларида тикланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақоми ва мамлакатимизда ўзини-ўзи бошқариш органларининг асосини маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этиши белгилаб берилди.

Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг эълон қилиниши билан маҳалла ўзининг қадимий халқнинг ўзини-ўзи бошқариш органи сифатидаги мақомига эриша бошлади. 1991 йил сентябрда ўша пайтда ҳали мавжуд бўлган халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг учинчи сессиясида “Тошкент шаҳридаги маҳалла комитетлари тўғрисида” янги Низом тасдиқланди ва матбуотда эълон қилинди. Мазкур Низом намуна тариқасида бутун республикамиз маҳаллаларида қўлланди ва ўзининг ижобий самарасини берди [12, 44]. Орадан кўп ўтмай Тошкент шаҳар тажрибасидан келиб чиқиб, “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 1992 йил 12 сентябрдаги ва “Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасига маблағ ажратиш тўғрисида”ги 1992 йил 8 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари эълон қилинди [12, 44]. Республика “Маҳалла” хайрия жамғармасининг таъсис этилиши мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида маҳалланинг бекиёс аҳамияти тан олинганлигидан далолат беради.

Ана шу тарихий ҳужжатлар қабул қилингандан кейин республикамизнинг барча вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида “Маҳалла” хайрия жамғармасининг бўлимлари ва барча туман (шаҳарлар)да бўлинмалари фаолият юрита бошлади.

“Маҳалла” хайрия жамғармасининг ташкил этилиши маҳаллалар ишини янада ривожлантириш йўлидаги ғамхўрликнинг ёрқин ифодаси бўлди. Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамғармаси тузилган пайтда мамлакатимизда 6000 га яқин маҳалла бор эди. Жамғармани ташкил этиш тўғрисидаги Президент Фармонида унинг олдида тарихий ташкил топган миллий ва маънавий кадрятларни эъзозлаш ва изчил тарғиб қилиш, халқимизнинг энг яхши удум ва анъаналарини кенг оммалаштириш, республика маҳаллаларида маданий ва маърифий ишларни кенг йўлга қўйиш, шунингдек, маҳаллада уларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан янада мустаҳкамлаш вазифалари қўйилди.

Жамғарма дастлабки кунларда давлат ва ҳомий ташкилотларнинг, кенг жамоатчиликнинг қўллаб-қувватлаши билан миллий ҳамда умумбашарий кадрятларни, анъаналарни авайлаб асраш ва бойитишга, маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар, ногиронлар, етимларга, ёлғиз қолган қарияларга нисбатан инсонпарварлик, меҳр-шафқатлилик муносабатида бўлиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга кўмаклашиш каби ишларга астойдил киришди.

Маҳалла институтининг шаклланиши ва ривожланишида 1993 йил “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим босқич бўлди. 1999 йилда ушбу қонун янги таҳрирда қабул қилинди [2].

“Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши билан маҳалланинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, унинг жамиятимиздаги ўрни ва аҳамияти янада ошди.

Маҳалланинг фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органи сифатидаги фаолиятини тартибга солишчи аниқ ҳуқуқий негизининг яратилиши билан унинг мақоми янада мустаҳкамланди, маҳалланинг жамиятни ислоҳ қилишдаги ўрнига алоҳида урғу берилди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири - унинг қонунлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишидир, шу йўл билан маҳалла фуқароларининг ҳуқуқий маданияти

оширилишида ҳам ўз хиссасини қўшиб келмоқда. Маҳаллалар бугунги кунда 30 дан зиёд функцияни бажармоқда. Ушбу функциялар илгари маҳаллий ҳокимият органлари вазифасига кирар эди. Жумладан, турли ижтимоий-иқтисодий масалалар, хусусан, ҳудудларни ободонлаштириш, кичик корхоналар ва касаначилик ташкил этиш йўли билан аҳоли, айниқса, ёшлар орасида бандлик муаммосини ҳал этиш, атрофдаги ҳудуддан оқилона фойдаланиш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жамоатчилик назорати вазифаларини амалга ошириш масалалари айнан маҳаллада ҳал этилмоқда.

Қонунга мувофиқ фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари - маҳаллалар ўз фаолиятида мустақил эканлиги белгилаб қўйилди. Бу қоида давлат органларининг айрим ваколатларини босқичма-босқич фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ўтказиб бориш концепциясига мувофиқ бўлиб, “Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилига тўлиқ мос келади.

2004 йил 29 апрелда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги [3] Қонуннинг қабул қилиниши маҳалла фаолиятини демократлаштириш йўлидаги улкан қадам бўлди. Ушбу қонунда, биринчидан, фуқаролар йиғини органларига сайловнинг демократик тамойиллари белгилаб берилди ва маҳалла органларига сайлов тизими барпо этилди; иккинчидан, сайлов жараёнининг барча босқичлари батафсил тартибга солинди; учинчидан, қонун даражасида мустақкам ҳуқуқий кафолат яратилди.

Маҳалла ўз фаолиятини молиялаштириш бўйича ҳам давлат кўмагини ола бошлади. Шундай қилиб, раис, масъул котиб, “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси раҳбари ва фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчисидан иборат тўрт нафар масъул шахс иши, шунингдек, маҳалланинг қўшимча харажатлари давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари бюджетидан молиялаштириш амалга оширила бошлади.

Ўтган давр мобайнида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари таркибида бир қатор тузилмавий ўзгаришлар киритилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 19 апрелдаги қарори асосида фуқаролар йиғинларида “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмалари фаолиятининг йўлга қўйилиши ҳудудларда осойишталикни мустақкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони [6] асосида 2004 йилнинг 1 июлидан бошлаб фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими жорий этилди.

Бугунги кунда аҳолининг кундалик ҳаёти, атроф-муҳит билан боғлиқ бўлган кўпгина йўналишлар фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари орқали ҳал этилмоқда. Улар аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш, тегишли ҳудудда қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, тўйлар ва бошқа маросимлар ўтказиш бўйича тавсиялар беради, атроф-муҳитни муҳофаза этади, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларини ўтказиши, тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этади, қайта ташкил этади ва тугатади, ижтимоий инфратузилмани ривожлантиради, гузарлар барпо этади, коммунал тўловларнинг тўланишига кўмаклашади, кам таъминланган ёшларнинг никоҳ тузишида ва тўй-тадбирларини ўтказишида моддий ёрдам кўрсатади, оилавий тадбиркорлик субъектларини банкдан кредит олишига кафил бўлади ва ҳ.к.

Дарҳақиқат, олиб борилган ислохотлар натижасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолият қамрови кенгайиб борди. Буни фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар мисolidан ҳам кўриш мумкин. 2013 йилда янги таҳрирда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги [4] Қонунга кўра фуқаролар йиғинларидаги асосий йўналишлар бўйича комиссиялар рўйхати қуйидагилардир:

- яраштириш комиссияси;
- маърифат ва маънавий масалалари бўйича комиссия;
- ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича комиссия;
- хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия;
- вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия;
- тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия;
- экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссия;
- жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия.

Тегишли ҳудуддаги муаммоларнинг долзарблигига қараб, фуқаролар йиғини томонидан фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялари ҳам тузилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2013 йил 30 сентябрда “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашини ташкил этиш тўғрисида” [10] 2013 йил 7 октябрда “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [11] Қарорлари қабул қилинди. Ушбу қарорлар билан соҳага оид 15 га яқин низомлар тасдиқланган бўлиб, улар маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни Ватанга ва миллий истиклол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларнинг самарадорлигини янада оширишга кўмаклашиш, фуқаролар йиғинларидаги жамоатчилик тузилмалари фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилганлиги билан эътиборлидир. Шу жумладан, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича 8 та комиссияси фаолиятига оид тасдиқланган намунавий Низомларнинг амалиётга татбиқ этилиши маҳаллалар ишига кенг жамоатчиликни жалб этишга катта туртки берди. Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг соҳага оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашдаги фаолиятини ўрганиш, уларнинг илғор тажрибасини кенг оммалаштириш мақсадида “Энг намуналий фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари”, “Фуқаролар йиғинларининг энг намуналий диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси” каби кўрик-танловларнинг анъанавий тарзда ҳар йили ўтказилиши ва унда қарийб барча фуқаролар йиғинларининг иштироки таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [7] Фармони фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳамда фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Фармонда маҳаллий аҳамиятга эга муаммоларни самарали ҳал қилишда, моддий-техник базасини мустаҳкамлашда, шунингдек, давлат ҳокимияти органлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилишда ўзини-ўзи бошқариш органларининг ташкилий-ҳуқуқий мақоми янада такомиллаштирилди.

Фармонда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика кенгашига юридик шахс мақомини бериш ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, туман ва шаҳарларда ушбу кенгашнинг бўлимларини тузиш масласи кўзда тутилди.

Фармонга асосан кенгашлар мавқеини янада ошириш, жойларда аҳоли томонидан кўтариладиган муаммоларни ижро ҳокимиятлари раҳбарларига тез етказиш ҳамда ижросини таъминлаш мақсадида Республика Бош вазирига, Қорақалпоғистон Республикаси Жуғориги Кенгаши раисига, вилоят туман ва шаҳарлар ҳокимларига жамоатчилик асосида ушбу кенгашларга раислик қилиш вазифаси юклатилди.

Кенгашларга юклатилган вазифаларни самарали бажариш, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий тадбирларни молиявий таъминлаш самарадорлигини ошириш мақсадида барча даражадаги Кенгашлар раисларининг биринчи ўринбосарлари “Маҳалла” хайрия жамғармалари тегишли бўлимлари раислари лавозимига тайинланадиган бўлди.

Фармонга мувофиқ жойларда ёшларни Ватанга мухаббат, халқимизнинг кўп асрлик анъаналарига садоқат, тинчлик ва осойишталик руҳида тарбиялаш мақсадида республика кенгашида ташкилий ва услубий ишлар бўйича раис муовуни лавозими, шунингдек, республика ва ҳудудий бўлимларда ёшлар масалалари ва диний-маърифий ишлар бўйича раис муовини лавозимлари жорий этилди. Бундан ташқари, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари билан давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада такомиллаштириш мақсадида кенгашлар таркибига вакиллик органлари вакиллари, молия вазирлиги масъуллари, ички ишлар органлари ходимлари, меҳнат, халқ таълими вазирликлари, ёшлар иттифоқи, хотин-қизлар қўмиталари, “Нуроний” жамғармаси фаоллари сайланадиган бўлди. Амалга оширилган бу ислохотлар фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари мавқеини янада оширди, жамиятнинг демократик янгиланиши ва модернизация қилинишида фаол иштирокини таъминлади.

2018 йил 15 октябрда қабул қилинган “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловларини такомиллаштириш муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни [5] маҳаллалар тарихида янги даврни бошлаб берди. Бу қонун бўйича қуйидаги янгилıklar амалга жорий этилди. Жумладан:

-фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари)нинг аввалги сайловларида сайловларни ўтказиш билан Олий Мажлис Сенати Кенгашининг комиссияси шуғулланар эди. Янги қонун бўйича маҳалла раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга қўмаклашувчи Республика комиссияси шуғулладиган бўлди. Унинг таркибига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Сенати, Фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика Кенгаши, тегишли давлат ва нодавлат органлари вакиллари, олимлар кирадиган бўлди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда, шунингдек, шаҳар ва туманларда ҳам тегишли комиссиялар тузиладиган бўлди;

-қонунга мувофиқ фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ ташкилий тадбирларни амалга ошириш учун фуқаролар йиғини қарори билан 7-15 кишидан иборат ишчи гуруҳи тузиладиган бўлди. Бу гуруҳга маҳалланинг фаоллари жалб қилиниб, улар жамоатчилик фикрини ўрганиш, муаммоли масалаларни аниқлаш, номзодлар бўйича таклифлар тайёрлаш каби долзарб муаммолар билан шуғулланади, шунингдек, бу гуруҳ томонидан сайловдан камида 5 кун олдин фуқаролар вакиллари йиғини бўладиган жой, сана ва вақт тўғрисидаги эълон аҳоли гавжум бўладиган жойларга осиб қўйилади. Сайловга уч кун қолганда эса сайланган вакилларга таклифномалар юборилади;

-аввалги сайловларда фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли)ни сайловчи вакиллар фуқаролар вакиллари йиғини томонидан сайланар эди. Бунда сайловчилар номидан атиги 50-80 нафар вакил овоз берар эди. Энди эса сайлов ёшидаги аҳолининг 12 фоизи овоз берувчи вакил сифатида сайланади. Масалан, уч минг сайлов ёшидаги фуқароси бўлган маҳалладан 360 нафар сайловчи вакил қилиб сайланади;

-қонунга мувофиқ фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) лавозимига қўрсатилган номзодларнинг ўзлари ва уларнинг яқин қариндошлари сайловларда овоз берувчи вакил сифатида иштирок этишларига рухсат берилмайди;

-аввалги сайловларда фуқаролар йиғини раис (оқсоқол)лари ва уларнинг маслаҳатчилари бир вақтнинг ўзида сайланар эди. Янги қонун бўйича фуқаролар йиғинлари маслаҳатчилари ва комиссиялар сайловлардан кейин бир ой ичида сайладиган бўлди;

-аввалги сайловларда фуқаролар йиғини раис (оқсоқол)лари ва уларнинг маслаҳатчилари 2,5 йил муддатга сайланар эди. Энди эса 3 йил муддатга сайладиган бўлди;

-аввалги сайловларда фуқаролар йиғини раис (оқсоқол)лари ва уларнинг маслаҳатчилари очик овоз бериш орқали сайланар эди. Бу эса сайловчиларда ўз хоҳиш истакларини очик билдиришга тўсқинлик қилар эди. Шунинг учун янги қонунда сайловларда овоз бериш Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашлар депутатлари сайловларидек ёпиқ-яширин овоз бериш орқали ўтказиладиган бўлди.

2019 йилнинг май ойида ушбу қонун асосида мамлакатимизда фуқаролар йиғини раис (оқсоқол)ларининг сайловлари бўлиб ўтди. Сайловлар ошкоралик, кўп мандатлилик ва тенг сайлов ҳуқуқи тамойиллари асосида ўтказилди.

Республикадаги 9093 та фуқаролар йиғинлари раиси(оқсоқоли)лавозимига ўтказилган сайловларда сайлов ҳуқуқига эга бўлган 2 миллион 58 мингдан ортиқ фуқаролар иштирок этдилар. Фуқаролар йиғинлари раиси(оқсоқоли) лавозимига ўтказилган сайловларда ҳар бир ўрин учун ўрта ҳисобда 2,4 номзод, ҳаммаси бўлиб 22264 нафар номзодлар иштирок этди. 6208 нафар оқсоқол бу лавозимга биринчи мартаба сайланди. Сайланганларнинг 57,6 фоизини олий маълумотлилар ташкил қилади. Сайланган раисларнинг 11,2 фоизи хотин-қизлардан иборат. Сайланган раис (оқсоқол)ларнинг 164 нафари маҳаллий кенгашлар депутатларидир [13]. Шуниси диққатга сазоворки, сайловлар тўла қонун талаблари асосида ўтказилиб, ҳеч қандай қонун бузилишларига йўл қўйилмади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5938-сон Фармони [8] маҳалла институтининг янада ривожланишида янги босқич бўлди. Бу фармонга асосан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги ташкил этилди. Ушбу фармон ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди [9] ва бу қарор билан вазирлик фаолиятининг асосий йўналишлари белгилаб берилди.

Қарорга кўра вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари ўзларига юклатилган функцияларга мувофиқ белгиланган тартибда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-вазирликка тегишли вазифаларни амалга ошириш учун, зарур ҳолларда, давлат органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларини жалб қилиш, ишчи гуруҳлар тузиш;

-вазирлик ваколатига кирувчи масалалар юзасидан давлат органлари ва ташкилотлардан статистик, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа маълумотларни сўраш ва олиш;

- давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарларига фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши, уларни келтириб чиқарувчи сабаб ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш;

- фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кўзлаб судларга ариза (шикоят) ва даъволарни киритиш;

- фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга доир ташаббуслар билан чиқиш ҳамда таклифлар киритиш.

Ҳужжат билан, Иқтисодиёт ва саноат, Молия, Қурилиш вазирликлари, Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

-ҳар бир маҳаллада тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларни фаол жалб қилиш ҳисобига фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи комплексини давлат- хусусий шериклик шартлари асосида куриш;

- фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг моддий-иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш, аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги имкониятларини кенгайтириш мақсадида фуқаролар йиғинларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ижтимоий дастурлар, шу жумладан, “Ҳар бир оила - тадбиркор” дастури, “Ёшлар - келажагимиз” дастури асосида имтиёзли кредитлар ажратиш тўғрисидаги таклифлари маъқулланди.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислохотлар ҳаётнинг барча соҳаларини демократлаштиришни янада янги поғоналарга кўтармоқда. Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, маҳалла институти фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

#### Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017.- 485 бет.

2. “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 5-сон, Lex UZ/m/acts/8625

3. “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, 25-сон, Lex UZ/m/acts/2083

4. “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил , 17-сон, Lex UZ/m/acts/2156

5. “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловларини такомиллаштириш муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси қонуни // Халқ сўзи, 2018 йил, 16 октябрь.

6. “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги ПФ-3434-сон Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 21-сон. Lex UZ/docs/214651

7. “Маҳалла институти янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил , 6-сон, Lex UZ/docs/3106223

8. “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институти янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон Фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси,19,02,2020 й.,06/20/5938/0187-сон, Lex UZ/docs/4740345



9. “Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдагй ПҚ-4602-сонли қарори // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19,02,2020 йил, 07/20/4602/0186-сон, Lex UZ/docs/4740335

10. “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашини ташкил этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2013 йил 30 сентябрдаги 267-сонли қарори.// Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 40-сон, [https:// Lex UZ/](https://Lex.UZ/).

11. “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги 274-сон қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 йил, 41-сон, Lex UZ/docs/2248961

12. Алимов Ф. Маҳалла- ноёб қадрият.// Жамият ва бошқарув, 2008 йил, 1-сон, 43-45 бетлар.

13. На маҳаллинских выборах серьезных нарушений не было – Сенат.//gazeta.uz/ru/2019/06/28/

PEDAGOGIK  
MAHORAT

Ilmiy-nazariy va metodik jurnat

5-son (2020-yil, oktabr)

Jurnal 2001-yildan chiqib boshlagan

Buxoro – 2020